

**АБДУҚАҲХОР АБДУЖАЛИЛОВИЧ НАБИЕВ
(1956-2023)**

2023 йил 20 ноябрь куни бешафқат ўлим Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази «Шошилинч тиббий ёрдам» кафедрасининг доценти, меҳрибон устоз, фидокор, оиласпарвар инсон Абдуқаҳхор Абдужалилович Набиевни 67 ёшида бевақт орамиздан олиб кетди.

А.А. Набиев 1956 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1979 йили Тошкент давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетини тамомлаган. 1980 йилдан 1984 йилгача темирйўл поликлиникасида терапевт бўлиб фаолият юритган. 1984 йилдан Тошкент врачлар малакасини ошириш институти «Кардиология ва функционал диагностика» кафедраси аспиранти, 1988 йили «Состояние гемодинамики и фосфолипидного обмена у больных с АПС и пути их коррекции» номзодлик ишини ёқлаган. 1989 йилдан «Анестезиология, реаниматология ва тез ёрдам» кафедрасида ассистент, 1993 йилдан 1996 йилгacha 2-марказий шифохона бош врачи ўринбосари, 1996 йилдан 2001 йилгача Тошкент врачлар малакасини ошириш институти марказий лабораториясида катта илмий ходим, 2001–2004 йилларда «Анестезиология, реаниматология ва тез ёрдам» кафедрасида ассистент



лавозимида иш юритган. 2004 йилдан Тошкент врачлар малакасини ошириш институти «Шошилинч тиббий ёрдам» кафедраси ассистенти, 2007 йилдан шу кафедрада доцент лавозимида фаолият юритган. 2021 йилдан Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази «Шошилинч тиббий ёрдам» кафедраси доценти.

А.А. Набиев 48 дан ортиқ илмий мақолалар, методик қўлланмалар муаллифиdir.

Доцент А.А. Набиев Ўзбекистон Республикаси шошилинч тиббий ёрдам хизматининг етакчи терапевт-мутахассиси сифатида мамлакатимиз ҳудудларида доимий равишда ташкил қилинган сайёр ўқув курслари ва маҳорат дарсларини юқори савида самарали ўтказилишига эришди.

А.А. Набиев фаол меҳнати, жонкуярлиги ва талабчанлиги, меҳрибон ва ширинсўзлиги билан ҳамкаслари орасида чуқур ҳурмат-эътибор қозонган, у ҳар ишда ташаббускор, тўғрисўз, маънавий етук инсон эди.

Набиев Абдуқаҳхор Абдужалиловичнинг ёрқин ва порлоқ хотираси унинг ҳамкаслари, шогирдлари ва дўйстлари қалбида мангум сақланиб қолажақдир.

*Тиббиёт ходимларининг касбий
малакасини ривожлантириши
маркази
Республика шошилинч тиббий
ёрдам илмий маркази
Ўзбекистон шошилинч тиббий
ёрдам врачлари ассоциацияси*

ТОХИР ЯҲЁЕВИЧ МУСОЕВ

(1979-2024)

Мамлакатимизнинг Шошилинч тиббий ёрдам хизмати оғир жудоликка учради. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали директори, фидойи шифокор, ташкилотчи раҳбар Тоҳир Мусоев 44 ёшида вафот этди.

Т. Мусоев 1979 йил 29 октябрда туғилган. Бухоро давлат тиббиёт институтида бакалавр ва клиник ординатурани тамомлаган. Россия Халқлар дўстлиги университетида “Юрак-томир хирургияси” мутахассислиги бўйича аспирантурада таҳсил олган.

Меҳнат фаолиятини Бухоро давлат тиббиёт институтида кафедра ассистенти ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали II-хирургия бўлими врач-ординатори сифатида бошлаган.

Турли йилларда Бухоро давлат тиббиёт институти катта ўқитувчиси,



Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали директори ўринбосари, мазкур тиббиёт мұаассасаси бош шифокори каби лавозимларда ишлаган.

Т. Мусоев 2020 йилдан Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали директори сифатида

самарали фаолият кўрсатиб келаётган эди.

У вилоятда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш, мураккаб жарроҳлик амалиётларини жорий этиш, қолаверса, тиббиёт фанининг долзарб масалаларини тадқиқ этиш, юқори малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ишига ҳам муносаби ҳисса қўшди.

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази жамоаси, Ўзбекистон шошилинч тиббий ёрдам врачлари асоциацияси меҳнат фаолиятини тиббиёт соҳасига баҳш этган фидойи ва ташкилотчи раҳбар Тоҳир Яҳёевич Мусоевнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукур таъзия изҳор этади.